

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТОВ ҒУЛОМЖОН РАХМОНБЕРДИЕВИЧ

**ПАХТА ХОМ-АШЁСИНИ ИНФРАҚИЗИЛ НУРЛАНИШ ЁРДАМИДА
ҚУРИТАДИГАН ҚУРИЛМАНИ ЯРАТИШ ВА УНИНГ
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника
тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2022 йил

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Рахматов Гуломжон Рахмонбердиевич

Пахта хом-ашёсини инфрақизил нурланиш ёрдамида қуритадиган
қурилмани яратиш ва унинг параметрларини асослаш..... 3

Рахматов Гуломжон Рахмонбердиевич

Разработка устройства для сушки хлопкового сырья с помощью
инфракрасного излучения и обоснование его параметров..... 28

Rakhmatov Gulomjon

Development of a device for drying cotton raw materials using infrared
radiation and justification of its parameters..... 50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТОВ ҒУЛОМЖОН РАХМОНБЕРДИЕВИЧ

**ПАХТА ХОМ-АШЁСИНИ ИНФРАҚИЗИЛ НУРЛАНИШ ЁРДАМИДА
ҚУРИТАДИГАН ҚУРИЛМАНИ ЯРАТИШ ВА УНИНГ
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника
тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2022 йил

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
№ В2021.3.PhD/Т1135 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Фарғона давлат университетидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Онаркулов Каримберди Эгамбердиевич физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Джўраев Анвар Джўраевич техника фанлари доктори, профессор Турсунов Иброҳим Тургунович техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30/12.2019.Т.66.01 – рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 12 ноябрь соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.:(69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75; e-mail: njei_info@edu.uz). Наманган муҳандислик-технология институти 3-бино, 2-қават, илмий кенгаш хонаси).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 486-рақам билан рўйхатга олинган). 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07.)

Диссертация автореферати 2022 йил «01» ноябрь куни тарқатилди.
(2022 йил «01» ноябрдаги 486 рақамли реестр баённомаси).

Р. М.Муродов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Т.Бобожанов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Қ.М.Холиков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда табиий толалардан ҳисобланган пахтани тайёрлаш ва сақлаш, сифатини назоратга олиш, ёнилғи-энергетик ресурсларни тежаб сарфлаш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. «Халқаро консультатив кўмита (ICAC) маълумотларига қараганда жаҳон миқёсида 24,55 млн. тонна тола истеъмол қилинган бўлсада, ишлаб чиқарилган тола 23,07 млн. тоннани ташкил этди»¹. Ушбу йўналишда етакчи мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа давлатларда илмий изланишлар асосида энергиятежамкор технологияларни яратиш масаласи долзарб вазифалардан ҳисобланади. Хусусан, сифатли тола ишлаб чиқариш учун тозалаш ва жинлаш жараёнларида пахта хомашёсининг оптимал иссиқлик-намлик ҳолатини таъминлаш, қуритишни юқори температурали ва анъанавий углеводородли манбалардан фойдаланишни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон амалиётида пахта хомашёсини дастлабки ишлаш жараёнларида ашёнинг оптимал технологиябоп ҳолатини таъминлаш, бунинг учун қуритиш жараёни техника ва технологиясининг ресурстежамкорлигига эришиш, пахтадаги майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш, толасини ажратиш бўйича кенг кўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда пахтани тайёрлаш ва сақлашнинг турли усуллари, назорат-ўлчов усул ва воситалари, ускуналари, уларни шакллантириш, пахта бунтларини бузиш ва пахтани ташиш воситалари, пахтани қуритиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига пахта хомашёсини қуритиш жараёнида ёнилғи сарфини камайтириш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш орқали тайёр тўқимачилик маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш бўйича иқтисодий ислохотлар амалга ошириш мақсадида тўқимачилик кластерининг жорий қилиниши пахта тозалаш корхоналари олдига мисли кўрилмаган вазифаларни қўйди. Авваламбор, юқори самарадорликка эга бўлган, энергиятежамкор, компакт конструкцияли техника ва технологияларни яратиш орқали хорижий аналогларидан устунликка эришиш мумкин. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, “Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш мақсад қилиниб, бунда тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш.....”² каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда пахтани қуритиш ускуналарини тубдан такомиллаштириш, энергия сарфини янги технологияларни жорий қилиш орқали кескин камайтириш, қуритиш

¹ International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. email secretariat@icac.org. September 1, 2017

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ускунасининг ихчам конструкциясини ишлаб чиқиш, тола сифатини максимал сақлаб қолувчи паст температурада намлик ажралишини таъминлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 28 ноябрдаги ПК-3408-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 12 февралдаги ВМ-253-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пахта хомашёсини қуритишда юқори интенсивли техника ва технологияларни яратишнинг асосий муаммоси - тола, чигит қобиғи ва мағзи ўртасида намликнинг нотекис тақсимланиши, уларнинг назарий масалалари, жумладан, капилляр-ғовак, коллоид материалларда иссиқлик ва намлик ўтказишнинг динамикаси, пахта хомашёси ва унинг компонентларини иссиқлик-физик параметрларини белгилаш бўйича назарий ва тажрибавий изланишлар бир қатор олимлар хисса қўшганлар, жумладан – L.Bolss, V.Balson, U.K.Luis, T.K.Шервуд, А.С.Гинзбург, С.М.Липатов, Ю.Л.Кавказов, Г.А.Максимов, А.В.Лыков, М.И.Шекольдин ва бошқалар.

Республикамизда пахта хомашёсини қуритиш соҳасида муайян қамровли илмий изланишлар олиб борилиб, бу йўналиш ривожига Г.В.Банников, А.И.Ульдяков, А.Парпиев, М.Рахмонов, М.Садиқов, А.Усмонқулов, А.Х.Каюмов, М.А.Гаппарова ва бошқалар ўз хиссаларини қўшганлар. А.Парпиев томонидан пахта хомашёсини қуритишга ва унинг кейинги жараёнларга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган. Тадқиқотлар натижасида барабанда намлик ажратиш етарли даражада эмаслиги, қуритиш учун фойдаланиладиган иссиқ ҳавонинг 40 фоизидан кўпроғи атмосферага самарасиз чиқариб юборилиши асосий сабаблари сифатида ва қуритгичда гидродинамик ҳолатнинг мукамал эмаслиги ҳамда пахта хомашёси таркибидаги ифлос аралашмалар қуритиш жараёнида активлаш масалаларини ечишда салмоқли натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, олиб борилган илмий тадқиқотларга қарамасдан, пахтани қуритиш жараёнида энергия сарфини камайтириш, пахта хомашёсини қуритиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, самарали технологияларини жорий этиш, тола сифатини максимал сақлаган

холда юқори техник-иқтисодий самарадорликка эга бўлган қуритиш қурилмаларини ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Инновацион Ривожланиш Вазирлигининг амалий тадқиқотлар давлат илмий-техника дастурлари ҳамда Фарғона давлат университетида олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар режаси устивор йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пахта хомашёсини инфрақизил нурланишлар ёрдамида қуритадиган қурилма яратиш ва параметрларини асослаш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: пахта хомашёсини қуритиш техника ва технологияларининг замонавий ҳолати ва самарадорлигини аналитик таҳлил қилиш;

функционал керамика олиш, уни ишлаш механизмлари назарий ва амалий тадқиқотини ўтказиш;

пахта хомашёсини қуритиш технологик жараёнини амалга оширувчи ва энергиятежамкор инфрақизил қуритиш қурилмасини ишлаб чиқиш;

пахта хомашёсини қуритиш қурилмаси параметрларини назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш;

такомиллаштирилган инфрақизил қуритиш қурилмасини лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитида синаш ва натижаларни таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти сифатида пахта хомашёсини қуритиш техникалари ва технологиялари ҳамда инфрақизил нурланиш олинган.

Тадқиқот предметини пахта хомашёсини қуритиш учун импульсли инфрақизил нурланиш керамикалари ва инфрақизил қуритиш қурилмалари ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида замонавий оптик, электрон микроскоп, “Operation manual for temp.& humidity meter” термопарали датчик, лазерли термометр, НҲІ лаборатория синов ўлчаш тизими, сорбцион ва тажрибавий усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: пахтани қуритиш учун сувнинг ютилиш чегарасида 5.25 дан 25 мкм гача тўлқин узунлигидаги, 10 мк.сек импульсли инфрақизил нурланишлар чиқарадиган функционал керамика илк маротаба қўлланилган;

пахтани хомашёсини қуритишда тавсия қилинган янги функционал керамика асосидаги инфрақизил нурланишли қуритиш қурилмасида буғни олиб кетишнинг эжекторли усули ва технологияси мўри тизими асосида ишлаб чиқилган;

катта қуёш печида бирламчи манбадан чиқаётган узлуксиз энергияли нурланишни тор спектрал соҳага эга бўлган кучли импульс асосидаги нурланиш тарқатадиган керамика қўлланиб илк маротаба пахтани қуритишда қўлланилган;

қуритгич камерасида бораётган қуритиш жараёни кўрсаткичлари маҳсулот массасига боғлиқлигидан келиб чиқиб, турли қалинликдаги пахта

хомашёсининг температураси ва намлиги ўзгаришининг таъсир вақтига боғланиши асосида ҳисоблаб аниқланган;

пахта хомашёсининг асосий технологик катталикларини дастлабки намлиги ва қуритишнинг иш унумдорлиги ўртасидаги боғланишлар аналитик таҳлил қилиб ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: инфрақизил нурлар билан пахта хомашёсига ишлов бериш тола чиқишини 0,6-1,1 % га орттириши ва вегетация даврининг 2-3 кунга қисқаришига олиб келиши аниқланган;

пахта хомашёсини қуритишнинг янги техника ва технологияси ишлаб чиқилган;

пахта толасининг табиий хусусиятларини сақлаш (табиий оқлик, узунлик, узилиш кучи ва бошқалар) имконини берувчи энергиятежамкор инфрақизил нурланишлар билан ишлайдиган қуритиш қурилмасининг параметрлари ишлаб чиқилган;

инфрақизил нурли қуритишда толанинг сифат кўрсаткичларига салбий таъсир этмаслигига эришилган;

таклиф этилган қуритиш қурилмасида қуритиш жараёнининг самарали ва тежамкор усули яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги пахта хомашёсини ноанъанавий қуритиш технологиясини яратишда замонавий таҳлил усулларида фойдаланиб, улар асосида натижалар олинганлиги, назарий ва тажрибавий изланиш натижаларининг ўзаро мос келиши, тавсия қилинган синов натижалари ва уларнинг ишлаб чиқаришга қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инфрақизил нурли қуритиш қурилмасининг асосий параметрларини ҳисоблаш формуллари олиниши, пахта хомашёсини қуритиш қонуниятлари ишлаб чиқилганлиги, нурланиш ва ашё ўртасидаги иссиқлик алмашув жараёнларини кўрсатиб берувчи боғланишлар, функционал керамика асосидаги инфрақизил нурланиш масса алмашинишни жадаллаштириши натижасида пахта хомашёсини паст температурали кизишида ҳам қуришини тезлаштириш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти функционал керамика асосидаги инфрақизил нурланишли ресурстежамкор, толаларнинг табиий хусусиятларини максимал сақланиб қолиш имконини берадиган, қуритиш жараёнининг экологик тозалигини таъминловчи қуритгичини тўқимачилик кластерлари зарурати асосида ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахта хомашёсини қуритиш учун функционал керамика асосидаги ИҚ нурлар ёрдамида қуритиш қурилмасини ишлаб чиқиш тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

функционал керамика асосидаги инфрақизил нурлар ёрдамида пахта хомашёсини қуритиш қурилмаси “O‘zbekiston paхта-to‘qimachilik klasterlari”

уюшмаси тасарруфига кирувчи “Bog‘dod paxta tozalash” AJ корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган (“O‘zbekiston paxta-to‘qimachilik klasterlari” уюшмасининг 2022 йил 17 майдаги 01/22-312 – сон маълумотномаси). Натижада пахта хомашёсининг таркибидаги ифлосликларнинг активлашмаслигига ва тола сифатини бир синфга ошириш имкони яратилган, нуқсон ва ифлосликларнинг массавий улушлари ҳамда электр энергия сарфи камайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та (шундан 1 та республика журналда) республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 8 та, жумладан 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Пахтани қуритиш техника ва технологияларининг замонавий ҳолати таҳлили”** деб номланган биринчи боби адабиёт манбааларининг таҳлиliga бағишланган бўлиб, унда хусусан ҳозиргача амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларида аниқланган қонуниятлар, амалий натижалар, пахтани қайта ишлаш, шунингдек уни қуритиш объекти сифатида баҳо берилган, қуритиш жараёнининг ўзига хос бўлган физик-кимёвий томонлари, жараённинг интенсивлигини ошириш имкониятлари, бунинг учун мавжуд қуритгичларнинг конструкциялари, иссиқлик узатишнинг замонавий усуллари, паст температурали қуритишнинг шартлари, бирлик маҳсулот ҳажмига тўғри келадиган материал-техник ва ёнилғи-энергетик ресурсларни сарфланишини камайтириш, компакт қуритгичлар яратиш йўллари таҳлил қилинган.

Амалга оширилган таҳлиллар янги иқтисодий тузилма – тўқимачилик кластерлари учун, улар томондан тайёрланган пахта хомашёси қайта ишлаш учун фақат 2-5 % намлигини пасайтириш, тола таннархини камайтириш ва унинг табиий хоссаларини максимал сақлаб қолиш эҳтиёжи мавжуд бўлганлиги учун қуритишда углеводородли ёқилгилардан, габарити катта барабанли қуритгичлардан фойдаланишдан воз кечиш, бунинг учун иқтисодий ва экологик жиҳатдан истиқболли муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, жараённинг интенсивлигини ошириш, пахта хомашёсини қуритиш жараёни сув молекулаларига энергия узатишнинг физик-кимёвий механизмларини аниқлаш орқали қуритиш жараёнини бошқаришни асослаш, сувнинг ютилиш спектрига мос келувчи тўлқин узунлигидаги нурланишлар билан таъсир қилиш натижасида сув молекулаларининг иссиқлик ҳаракатларини интенсивлигини ошириб, уларни хомашёдан чиқиб кетишини таъминлашнинг физикавий асосларини ўрнатиш, импульсли ИҚ нурланишлар ҳосил қиладиган функционал керамикани олиш усуллари тадқиқ қилиш, унинг асосида ишлайдиган пахта хомашёсини қуритиш қурилмасини ишлаб чиқиш, ИҚ нурланишларнинг пахта хомашёси ва толанинг табиий хоссаларига таъсирини ўрганиш зарурати мавжуд эканини кўрсатди.

Диссертациянинг **“Импульсли инфракизил нурланиш чиқарадиган функционал керамика ва унинг хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида назарий ва аналитик тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, ИҚ нурлар табиати, функционал керамика олиш технологияси, пахта хомашёсини ИҚ нурлари таъсири остида қуритиш жараёнининг назарий

асослари, қуритиш жараёнида буғ оқимини бошқариш ўрганилган.

ИҚ нурланишнинг ўзига хос хусусияти модда билан ўзаро таъсирлашганда намоён бўлади. Шунинг учун ИҚ тўлқинларни иссиқлик тўлқинлари сифатида пахта хомашёсини қуритиш учун тадқиқ қилинган.

Пахта хомашёсига ИҚ нурларнинг самарали таъсирини таъминлаш учун узун ИҚ нурлар диапазонидаги тор спектрдаги нурланишдан фойдаланиш кўриб чиқилган.

Инфрақизил нурланиш тўлқин узунликлари 0,74 мкм дан 1- 2 мм гача бўлган кўзга кўринмас электромагнит нурланиш ҳисобланади. Қиздирилган каттиқ жисмлар ёки суюкликларнинг ИҚ нурланиш спектри узлуксиз бўлади.

Худди шундай тор спектрли нурлатувчи манбалар оксидли керамика асосида ишлаб чиқилган. Уларнинг нурланиш спектри 8-50 мкм гача бўлган диапазонни қамраб олади. Нурлатувчи манбалар турли вақт характеристикасига эга бўлиб, узлуксиз, импульсли ёки мураккаб вақт кетма-кетлигида энергия нурлатиши мумкин. Маълумки қуритиш жараёнида энг яхши натижа, нурланиш асосан сувда ютилиб, асосий моддада минимал ютилиш содир бўлганда олинади. ИҚ-нурланишлар диапозони сувни ютилиш спектрига мос келади. Шунинг учун бундай ҳолда маҳсулот қизиб кетмайди ва ўзининг барча табиий хусусиятларини сақлаб қолади, энергия сарфи кам бўлади.


Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда бирламчи манбанинг узлуксиз нурланишининг ИҚ диапазондаги импульс нурланишга айлантнувчи керамика ишлаб чиқилган. Нима учун ИҚ диапазон танланганлиги тушунарлики, бу сувнинг ютиш соҳасидир. Бу бирламчи спектр вазифасида келган термоэлектриситкичлар ёки галоген лампалар нурланишини технологик жараён учун зарур характеристикаларга эга нурланишга самарали ўтказишнинг имкониятини беради. Натижада анъанавий усул билан амалга оширишнинг имконияти бўлмаган юқори бир хилликка эга қуритиш, эритиш ва пайвандлаш имкониятини беради.

Импульс режимнинг афзаллиги яна қуйидагиларда намоён бўлади. Амалда тўхтовсиз нурланиш режимида нурлар маҳсулотнинг фақат юқори қатлами томонидан ютилади. Бу маҳсулотнинг чуқур қатламларида жойлашган намликнинг ўзгармаслигига олиб келади. Бошқа сўзлар билан айтганда қуритиш даражаси бу ҳолатда жуда паст бўлади. Биринчи қараганда импульслар қуввати қанча катта бўлса, қуритиш жараёни шунча яхши ва самарали бўлади дейиш мумкин. Аслида эса бундай эмас. Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, агар кучли импульслар қўлланилса, маҳсулот хужайраларида жойлашган сув тезда буғга айланади.

Маълумки, қуритиш жараёнида энг яхши натижа иссиқлик нурланиши асосан сувда ютилиб, асосий моддада минимал ютилиш содир бўлганда олинади. Сувда электромагнит тўлқинлар спектрининг соҳалари бўйича ютилиш спектри 1-расмда келтирилган. Ундан кўринадикки 5,25 мкм, 6,6 мкм, 7,4 мкм, 16 мкм ва 21 мкм диапазонларда максимал ютилишга эга.

Керамика оксидлари асосида ишлаб чиқилган функционал нурлатгичларнинг нурланиш спектри 8 - 50 мкм гача бўлган диапазонни

камраб олади. Нурлатувчи манбалар турли вақт характеристикасига эга бўлиб, узлуксиз, импульсли ёки мураккаб вақт кетма-кетлигида энергия нурлатиши мумкин. Айнан шундай махсус керамика ёрдамида зарур тўлқин узунлигидаги нурланишлар билан пахта хомашёсига таъсир кўрсатиш орқали қуритиш жараёни самарадорлигини ошириш мумкин.




1-расм. Сув молекуласининг ютилиш спектрлари.

Тадқиқот объекти сифатида $\text{Ln}_2\text{O}_3\text{-Cr}_2\text{O}_3$ тизими олинди ва у кейинчалик зарур техник характеристикаларгача легирланиб Материалшунослик институтининг Катта Қуёш печида бирламчи манбадан чиқаётган узлуксиз энергияли нурланишни тор спектрал соҳага эга бўлган кучли импульсли нурланишга айлантириши мумкин бўлган махсус “Муллит” деб номланувчи 25 мкм гача тўлқин узунлигидаги, 10 мк.сек импульсдаги нурланиш чиқарувчи керамика олинди.


Пахта хомашёси ИҚ нурлари таъсири остида қуритилганда, ИҚ нурлари фақат сув молекулалари билан таъсирлашади ва уларни махсулот таркибидан сиқиб чиқаради.

Молекулани нурланишида эса уни ташкил этган атомларнинг мураккаб ички ҳаракатлари молекуланинг умумий дипол моментини ўзгаришига олиб келади ва дипол тебранишлари молекуляр ИҚ нурланишини ҳосил қилади. Агар молекулани дипол momenti ўзгармаса нурланиш кузатилмайди, бу молекуланинг ички структураси ва симметриясига боғлиқ.

Айланма ҳаракат турлари



Тебранма ҳаракат турлари



2-расм. Сув молекуласининг айланма ва тебранма ҳаракат турлари

2-расмда сув молекуласининг структураси ва бундай структураларда кузатиладиган ўзаро боғлиқ бўлмаган механик нормал тебранишлар ва айланма ҳаракатлар схематик равишда тасвирланган.

Ҳаракатларни ўзаро боғлиқ бўлмаган 3 та гормоник осциллятор ва 3 та ротатор моделлари асосида 6 хил ҳолатлар тўплами кўринишида ёзиш мумкин. Бу ҳолатлар тўплами энергиясини энг содда ҳолда квант осциллятори ва ротатори энергиялари орқали ифодалай оламиз

$$E_{осц} = \hbar\omega_0\left(n + \frac{1}{2}\right), E_{рот} = \frac{\hbar^2 J(J+1)}{2I}. \quad (1)$$

Бу ерда n, J - лар квант сонлари, I - молекуланинг инерция моменти, $\omega_0 = \sqrt{k/m}$ - осцилляторнинг хусусий частотаси. Уч атомли молекуланинг тўлиқ энергияси электрон қобиклардаги электронларни ($E_{эл}$), атомларни уч хил тебранишлари ($E_{меб}$) ва фазовий айланишлари ($E_{айл}$) энергиялари йиғиндисидан иборат

$$E(n) = E_{эл}(n_0) + E_{меб}(n_1, n_2, n_3) + E_{айл}(J_1, J_2, J_3), \\ (n_0, n_1, n_2, n_3, J_1, J_2, J_3 = 1, 2, 3, \dots). \quad (2)$$

Келтирилган формуладан молекуланинг ички тебранишлари кенг диапазондаги энергетик спектрга эга эканлигини кўрсатади. Агар молекула кўзғатилган ҳолатга ўтказилса, унинг энергиясини ўзгариши орқали аниқланади.

$$\hbar\omega = E^{(1)} - E^{(2)} = (E_{эл}^{(1)} - E_{эл}^{(2)}) + (E_{меб}^{(1)} - E_{меб}^{(2)}) + (E_{айл}^{(1)} - E_{айл}^{(2)}) = \\ (\Delta E_{эл} + \Delta E_{меб} + \Delta E_{айл}) = \hbar(\omega_{эл} + \omega_{меб} + \omega_{айл}), \quad (3)$$

Ҳисоблашлар ва экспериментал ўлчаш натижалари сув молекуласи учун (3) энергиялар тўплами нурланишнинг ИҚ диапазонида тўғри келишини кўрсатади. Сув буғларини ютилиш спектрлари учун $\lambda_i(\omega_i)$ -тўлқин узунликларини тажрибаларда кузатилган ва назарий ҳисобланган қийматлари 278 микрондан 0.55 микронгача ораликда бўлиб, 1-жадвалда келтирилган.


Сув буғларини ютилиш спектрлари тўлқин узунликлари

1-жадвал


Айланма (ротацион) ҳаракатларга мос спектрлар							
$\lambda(экс)$	$\lambda_1(наз)$	$\lambda_2(наз)$	$\lambda_3(наз)$	$\lambda(экс)$	$\lambda_1(наз)$	$\lambda_2(наз)$	$\lambda_3(наз)$
267	278	208	-	35.7	39.0	36,8	-
175.6	182	-	-		37.0	34,8	35,0
167	-	-	175	32	32.7	32	-
132	139	137	-	30.6	30.9	29,7	-
116.8	111.2	-	-	29.0	29.3	-	-
108.9	-	104	-	28.9	27.8	27,7	-
105.8	-	-	-	26.6	26.6	26,0	29,2
90.9	91.7	-	87,5	25.0	25.3	24,5	-
83	-	83	-	23,0	-	23,1	25,0
79.3	79.4	-	-	22.9	-	-	-
78	-	-	-	21.6	-	21,9	-
74.5	-	-	-	20.5	-	20,8	21,9

72.2	-	-	-	19.7	-	-	-
69.9	68.3	69,3	-	19.2	-	-	19,4
63.7	-	-	-	17.5	-	-	-
65.8	61.7	-	-	15.7	-	-	17,5
57	-	59,4	58,1	14.3	-	-	15,9
52.6	55.6	52,0	-	13.4	-	-	14,6
50	50.1	-	-	12.4	-	-	13,5
49	-	-	-	11.6	-	-	12,4
44.1	45.6	46,2	43,8	10.9	-	-	11,7
40.0	42.2	41,6	-				10,9
Нормал-тебранма ҳаракатларга мос спектрлар							
$\lambda(\text{экс})$	$\lambda_1(\text{наз})$	$\lambda_2(\text{наз})$	$\lambda_3(\text{наз})$	$\lambda(\text{экс})$	$\lambda_1(\text{наз})$	$\lambda_2(\text{наз})$	$\lambda_3(\text{наз})$
6.1	-	-	-	0.98	1.02	0.97	0.98
4.7	-	-	-	0.85	0.88	-	0.85
2.29	3.05	-	-	0.75	0.77	0.73	0.75
1.98	2.03	-	1.96	0.63	0.68	-	-
1.46	1.52	1.45	1.48	-	-	-	-
1.18	1.22	-	1.17	0.55	0.55	0.58	-

Назарий ҳисоблашларга кўра молекуланинг спектрларида турлича λ_i (ёки ω_i) - ларга мос келган чизик-чизик спектрлар ҳосил бўлиши керак. Лекин, тажрибаларда λ_i -ларга мос чизиклар ўрнида доимо бирор $\lambda\omega_i(\Delta\omega_i)$ - табиий спектрал кенгликка эга бўлган чизиклар тўплами кузатилади. Бу ҳолат молекулаларнинг ички тебранишлари жуда мураккаб ҳарактерга эга эканлигини кўрсатади. 2-расмда келтирилган сув буғи молекуласининг 4-36 микрон диапазондаги, тажрибаларда кузатилган ютилиш спектрларидан кўринадикки, резонанс частоталар 5.2 мкм, 6 мкм, 6.25 мкм, 6.75 мкм, 17 мкм, 21 мкм, 34 мкм тўлқин узунликларга мос келади.



3- расм. Буғни олиб кетиш тизими



4-расм. Нурлатгичларнинг қуриштириш қурилмасида жойлашиш схемаси

Асосий таркибдаги органик углеводород молекулалари ИҚ нурлари билан таъсирлашмагани туфайли ўзининг дастлабки молекуляр структурасини сақлаб қолади ва пахта хомашёсининг табиий биологик таркиби ўзгаришсиз қолади.

Функционал керамика асосидаги импульсли ИҚ нурлар таъсири остида қуритиш қурилмасида буғланиш жараёнининг тезлиги катта бўлгани учун пахта хомашёсидан ажралиб чиққан буғларни олиб кетилиш тезлигини ошириш қурилманинг самарадорлигини ва пахта хомашёсини сифатини таъминлашда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Буғ оқимини олиб кетилишини тезлаштириш учун эжекция усулини қўллаш самарали бўлиб (3-расм), уни қуритиш қурилмасида қўллаш мумкин.

Қурилмада лабиринтли тизим қўлланилиши натижасида ашёнинг нави бўйича энергетия сарфни 15-25 % гача пасайиши таъминланади (4-расм).

Диссертациянинг **“Пахта хомашёсини қуритиш учун инфрақизил нурланишли қурилманинг назарий ва амалий асослари”** деб номланган учинчи бобида дастлаб ИҚ нурланишининг пахта хомашёси ва унинг компонентларига таъсир қилишини фундаментал тадқиқ қилиш мақсадида пахта уруғлик чигитига таъсири тадқиқ қилинди. Бувайда тумани Оққўрғон-Бўриманғит ММТП ҳудудидаги “Муҳаммадқули Муҳаммадшариф” фермер хўжалигининг 2,51 гектарли пахта даласига 2011 йил 27 апрель куни даланинг 0,91 гектар майдонига “Наманган-77” ғўза навини ИҚ нур билан нурланган чигитидан, 0,90 гектар майдонига “Наманган-77” ғўза навини Далброн билан дориланган чигитидан, 0,70 гектар майдонига эса “Наманган-77” ғўза навини дориланган чигитидан экилиб, олинган ҳосилда нурланган чигит пахтасида тола чиқиши 37,4 % ни ташкил этган бўлса, дориланган чигит пахтаси тола чиқиши 36,34 % ни ташкил этган бўлиб, тола чиқиши дориланган чигитникида 0,6-1,1 % гача кам. Олинган чигитларни абсолют оғирлиги эса, ҳар иккала вариантлар бўйича 1000 донаси 120 граммни ташкил этди, яъни ИҚ нурланиш ижобий натижа беришига ҳулоса қилинди.

Навбатдаги тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Материалшунослик институти лабораториясида функционал керамика асосидаги ИҚ нурланишлар таъсирида пахта хомашёсини қатламда қуритиш бўйича лаборатория шароитида ўтказилди. Тадқиқот натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Лаборатория шароитида қатламда қуритиш натижалари

2-жадвал

Вақт, мин	Оғирлиги, грамм		Намлиги, %	
	дастлаб	кейин	дастлаб	кейин
1	100	98,2	12	10,2
2	100	96,7	12	8,7
4	100	95,7	12	7,7
6	100	95,1	12	7,1
8	100	94,5	12	6,5
10	100	93,9	12	5,9

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, пахта хомашёси дастлабки 1- ва 2-минутларда кўп намлик йўқотади. Бунинг сабаби дастлабки вақтда ИҚ нурлар таъсирида тола ва чигит пўстлоғидаги ҳамда қисман чигит

мағзидаги эркин намлик тез буғланиб кетади. Кейинги даврда физик-кимёвий бириккан намлик ажралиши қийин бўлганлиги сабабли қуриш интенсивлиги камаяди.

Анъанавий қуритиш жараёнига нисбатан ИҚ нурланишлар таъсирида пахта хомашёсини қатламда қуритишда қуритиш интенсивлиги юқори бўлганлиги сабабли, толанинг сифат кўрсаткичларига таъсир қилишини қиёсий тахлил қилиш масаласи келиб чикди. Шунинг учун қуритиш усулларининг қиёсий синови С-6524, Порлоқ-2 ва Андижон-36 селекцион навли, I ва II саноат навли, намлиги мос равишда 10,5 % ва 12,4 % бўлган пахта хомашёсида Фарғона шаҳар Бешбола Пахта тозалаш корхонасида ва функционал керамика асосидаги ИҚ нурланиш таъсирида лаборатория тендида ўтказилган.

Пахта хомашёси мавжуд бўлган ПДИ 70-2017 технологик регламент бўйича 2СБ-10 барабанли қуритгичда ва функционал керамика асосидаги ИҚ нурланиш таъсирида қуритиш лаборатория тендида анъанавий қуритиш усулида эришилган намликкача, яъни вариантлардан қатъий назар, бир хил намликка эришилгунга қадар қуритилган. Қуритилган хомашёнинг намлиги 9,7 % ва 11,4 % ни ташкил этган.

Ҳар иккала вариантларда қуритилган пахта хомашёси ЛКМ-2 лаборатория ускунасида тозаланган. Тозаланган пахта хомашёси ППВ лаборатория ускунасида жинланган. Толанинг сифат кўрсаткичлари “Фарғона Сифат” тола текшириш илмий лабораториясида “High Volume Instruments” синов ўлчаш тизимида аниқланган.

Олинган натижалардан бўйича С-6524 селекцион навли толанинг I нав бўйича юқори ўртача узунлиги 0,03 дюймга ортган, толанинг микронейр кўрсаткичида ўзгариш бўлмаган, солиштирама узилиш кучи 5.1 гс/тексга ортган, нур қайтариш коэффиценти 4.2 % га ортган, калта толалар индекси 0.3 % га камайган, узунлик бўйича бир хиллик индекси 1.1 % га ортганлиги аниқланган.

II нав бўйича толанинг толанинг юқори ўртача узунлиги 0,06 дюймга ортганлиги, микронейр кўрсаткичи 0.1 га, солиштирама узилиш кучи 3.8 гс/тексга, нур қайтариш коэффиценти 2.6 % га, узунлик бўйича бир хиллик индекси 2,2 % га ортганлиги, калта толалар индекси 2,1 % га камайганлиги аниқланди.

Олинган натижалар тавсия этилган қуритиш технологиясининг афзаллигини кўрсатди.

Пахта хомашёсини функционал керамика асосидаги ИҚ нурланиш таъсирида қуритишни ишлаб чиқариш шароитида қўллаш учун лаборатория тендида олинган натижалар асосида пахта тозалаш корхонасининг технологик регламенти талабларини бажара оладиган қуритиш ускунасининг ишлаб чиқариш намунасини яратишни тақозо қилади.


Маълумки, пахтани транспортёр лентаси устида ҳаракати давомида ИҚ нурлар билан қуритиш самарадорлиги нурларнинг таъсир вақти t ва лента устидаги пахта қатламининг баландлиги h га боғлиқ. Таъсир вақти t қанчалик давомий, яъни катта бўлса, қуритиш самарадорлиги шунча юқори,

аксинча бўлса паст бўлади. Лента устидаги пахта қатламининг баландлиги h эса қуритиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади, яъни, баландлик юқори бўлса, самарадорлик паст, аксинча бўлса, юқори бўлади. Шунинг учун, янги усулда қуритишда таъсир вақти t ва лента устидаги пахта қатламининг баландлиги h ни бошқариш катта аҳамиятга эга.

Пахта тозалаш корхоналарида ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, пахтани технологик машиналарга узатишда аниқ меъёрни сақлаш қийин, чунки, пахта ишлаб чиқаришга қўлда ёки механик усулда бир меёрда узатилмайди. Шунингдек, пахта ғарамларда сақланганда унинг зичлиги 350 г/м^3 гача ортади ва ғарамни бузиб, пахта ишлаб чиқаришга узатилганда у катта-кичик тўппаклар ҳолатида бўлиб, бу массанинг зичлиги юқори бўлади. Бу ҳолат, пахтани узатишдаги нотекисликни янада оширади. Пахтанинг нотекис узатилиши уни қуриткичга узатишдаги нотекисликни оширади. Натижада, пахта бир хилда қуримайди. Буни ўтказилган амалий тадқиқотлар ҳам исботлади. Пахта қатламининг зарур баландлигини вақт бирлиги ичида ўзгармасдан сақланиши янги қуриткичда пахта массасининг барча қатламларида бир хилда қуришини таъминлайди.

Пахта қатламининг зарур баландлигини таъминлаш имкониятларини кўриб чиқамиз. Бу масалани конструктив жиҳатдан ҳал этиш учун: пахтанинг лента устида сирпанмай ҳаракатланишини таъминлаш зарур. Буни, транспортёр лентасига планкалар ўрнатиш орқали ҳал этиш мумкин. Пахтани максимал даражада титиб бериш ва лента устига зарур баландликдаги пахта қатламини таъминлаб берувчи мослама, яъни фиксатор ўрнатиш. Бу тадбир, транспортёр лентаси устига муайян масофада қозикчали барабан ўрнатиш орқали амалга оширилиши мумкин. Барабан пахтани титиб, пахта қатламининг зарур баландлигини таъминлаб беради.

Ушбу вазифаларни бажара оладиган техникавий ечим схемаси 5-расмда келтирилган.



5-расм. Пахта қатлами керакли баландлигини таъминловчи қурилма.

1-лента; 2-валик; 3-устун; 4-винтли ростлагич; 5-қозикчали барабан;
6-оғма тянч.

Пахта қатлами керакли баландлигини таъминловчи қурилма қуйидагича ишлайди: валик 2 устига тортилган лента 1 устида ҳаракатланаётган пахтани

Қатламлар нисбий тезлигининг тенгламасини ҳосил қилиш мумкин:

$$U = \frac{dy}{dt} = -\frac{(U_o + U_{ю})x}{h} + V_2 \quad (2)$$

Текислашнинг асосий характеристикаси ўтказиш ва қайтариш қобилияти ҳисобланади, улар қуйидагича топилади:

$$q = b\gamma \int_x^{x_n} U dx \quad (3)$$

бу ерда: b - пахтанинг қатлам кенглиги; x, x_n - пахта қатламининг баландлигини аниқловчи координаталар; γ - пахта зичлиги.

Текислагичнинг ўтказиш қобилияти эса қуйидагига тенг:

$$q_{ym} = b\gamma \int_{x_0}^h \left(V_2 - \frac{(U_o + U_{ю})x}{h} \right) dx = \frac{-0,5b\gamma h U_o^2}{(U_o + U_{ю})}; \quad (4)$$

Минус белгиси пахтани чиқариш йўналиши қабул қилинган координата ўқиға нисбатан қарама-қарши томонга йўналишини билдиради. Шунинг учун, ишорани ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Бунга кўра текислагичнинг ўтказиш қобилияти тенгламаси қуйидагича:

$$q_{ym} = \frac{0,5b\gamma h U_o^2}{(U_o + U_{ю})} \quad (5)$$

Қайтариш қобилияти

$$q_{каім} = \frac{0,5b\gamma h U_{ю}^2}{(U_o + U_{ю})} \quad (6)$$

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, текислагичнинг ўтказиш қобилияти лентанинг ҳаракат тезлигига, қайтариш қобилияти эса текисловчи органининг чизиқли тезлигига боғлиқ экан.

Олинган боғлиқликлар узатишнинг талаб қилинган катталикларидан келиб чиққан ҳолда таъминлагич иш режимларининг маъқул тезликларини танлаш имконини беради.

Лентали мосламанинг иш унумдорлиги лентанинг кенглиги, унинг бирлик юзасидан фойдаланиш коэффиценти, лента чизиқли тезлиги ҳамда унда ҳаракатланаётган материал қатламининг намлиги ва зичлигига боғлиқ.

Биз лойиҳалаётган текислаш механизми қуриткичнинг таъминлагичидан кейин жойлашади ва унинг иш унуми бутун технологик занжирнинг иш унумини белгилаб беради.

Шунинг учун янги текислаш механизмининг иш унумдорлигини ҳисоблаш катта аҳамиятга эга. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, текислаш механизмининг пахта узатиш унумдорлиги тенгламасини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$U = \kappa \cdot v_l \cdot B \cdot h \cdot \gamma \quad (7)$$

бу ерда: v_l —лента тезлиги, м/с; B —лента кенглиги, м; h —ўтадиган пахта қатламининг баландлиги, м; κ_x —лента юзасидан фойдаланиш коэффиценти; γ —пахта қатлами зичлиги, кг/с³.

Мавжуд маълумотларга кўра лента тезлиги $v_l = 0,1 - 3$ м/с; лента кенглиги $B = 0,6$ м; титилган пахта қатламининг зичлиги $\gamma = 15 - 25$ кг/м³.


